Insonga naf keltirish — oliy baxt!

Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2015-yil 10-mart, seshanba, № 33 (3538)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

1941-1945 ЙИЛЛАРДАГИ УРУШ ҚАТНАШЧИЛАРИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ ТЎҒРИСИДА

9 май умумхалқ байрами — Хотира ва қадрлаш куни ўтказилиши, шунингдек, 1941-1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 70 йиллиги нишонланиши муносабати билан ҳамда уруш қатнашчилари ва ногиронларини моддий рағбатлантириш мақсадида:

1. 1941-1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига 700 000 (етти юз минг) сўм миқдорида бир марталик пул мукофоти белгилансин.

2. Мазкур Фармонни бажариш билан боғлиқ сарф-харажатлар республика бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан биргаликда 1941-1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига ушбу пул мукофотининг тантанали ва байрамона вазиятда топширилишини таъминласин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Бадиий академия, Хотин-қизлар қўмитаси, Республика Маънавият тарғибот маркази, «Нуроний» ва «Маҳалла» жамғармалари, бошқа жамоат ташкилотлари билан биргаликда Ватанимиз озодлиги ва шаъну шарафи ҳимоячиларига бағишланган махсус учрашувлар ва маърифий-бадиий кечалар ўтказсин.

5. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2015 йил 6 март

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОЙИШИ

2015-2019 йилларда Гулистон шаҳрида дренаж тизимини янада такомиллаштириш, мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва ер ости сув сатҳини камайтириш, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш тўғрисида

Ер ости сув сатҳини камайтиришга қаратилган дренаж тизимини янада такомиллаштириш, Гулистон шаҳрининг архитектура-режалаштириш қиёфаси ва инфратузилмасини тубдан яхшилаш учун зарур шароитлар яратиш ҳамда шу асосда аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш мақсадида:

1. 2015-2019 йилларда Гулистон шаҳрида дренаж тизимини янада такомиллаштириш, мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва ер ости сув сатҳини камайтириш, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш бўйича Республика комиссияси таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Республика комиссияси (Ш.Мирзиёев) Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Сирдарё вилояти ҳокимлиги, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар, акциядорлик компаниялари, уюшмалар ҳамда хўжалик бирлашмалари билан ҳамкорликда уч ой муддатда 2015-2019 йилларда Гулистон шаҳрида дренаж тизимини янада такомиллаштириш, мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва ер ости сув сатҳини камайтириш, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш дастурининг қуйидаги чора-тадбирларни кўзда тутадиган лойиҳасини ишлаб чиқсин ва ўрнатилган тартибда тасдиқлаш учун киритсин:

илмий гидрогеологик тадқиқотлар ўтказиш ва улар асосида мелиоратив-ирригация тармоқлари ҳамда сув сатҳини туширишнинг бошқа инфратузилмасини такомиллаштириш, шунингдек, «Дўстлик» канали ва унга ёндош коллекторларда бетонлаш ва филтрланишга қарши ишларни бажаришга доир чора-тадбирларни амалга ошириш, бунда бутун тизимдан фойдаланиш бўйича ихтисослаштирилган хизматни мустаҳкамлаш;

Гулистон шаҳрининг архитектура-режалаштириш қиёфасини янгилаш ва шаҳар қиёфасига мос янги майдон ва хиёбонлар барпо этиш ва мавжудларини реконструкция қилиш орқали архитектура ансамбллари ташкил этиш;

йўл-транспорт инфратузилмаси тизимини тубдан такомиллаштириш, бунда умумий фойдаланиладиган автомобил йўллари ва магистрал кўчаларни қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлашни кўзда тутиш;

сув таъминоти, канализация, ирригация, электр, газ ва иссиқлик таъминоти ҳамда телекоммуникация тармоқларини қуриш ва реконструкция қилиш орқали муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини модернизация қилиш;

мавжуд уй-жойларни реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш ҳисобидан уй-жой фондини қайта ташкил этиш;

аҳоли, айниқса, ёшларга ижтимоий хизмат кўрсатиш ва уларнинг дам олишига оид масалаларни комплекс равишда ҳал этишни таъминлайдиган объектларни реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш ҳисобидан ижтимоий соҳа ва бозор инфратузилмасини ривожлантириш.

3. Сирдарё вилояти ҳокимлиги Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, «ЎзшаҳарсозликЛИТИ» давлат унитар корхонаси ва бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар, акциядорлик компаниялари, уюшмалар ҳамда бошқа хўжалик бирлашмалари билан биргаликда бир ой муддатда Гулистон шаҳрининг 2030 йилгача бўлган давр учун Бош режасини ишлаб чиқишни якунласин ва Вазирлар Маҳкамасига белгиланган тартибда тақдим этсин, бунда шаҳар дренаж тизимини такомиллаштириш бўлимини сифатли ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратсин.

4. Мазкур фармойиш ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2015 йил 9 март

Янгиликлар, воқеалар, хабарлар

Жиззах

“Банк-ЕХРО-2015” миллий кўргазмаси бу гал Жиззахда ташкил этилди. Унга ташриф буюрганларнинг кўпчилиги ёшлар бўлиб, аксарияти эндигина кичик бизнес соҳасида фаолият бошлаган.

ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТЛАР

— Тижорат банкидан 15 млн. сўмлик кредит олиб ўз бизнесимни бошладим, — дейди коллеж битирувчиси Дилфуза Эргашева. — Бизнес-лойиҳамни амалга оширишда банк сармояси жуда асқотмоқда.

Шу куни Дилфуза сингари эллик нафар ёшга тижорат банкларининг имтиёзли кредит сертификатлари топширилди.

Абдуманнап АЗИМОВ, “Ishonch” мухбири

Фарғона

Учкўприк туманида фаолият юритаётган кўп тармоқли “Даврон” фермер хўжалиги ўтган йил якунларига кўра 120 млн. сўм соф даромад кўрди.

ИНТЕНСИВ БОҒ

Айни кунларда 42 гектар майдонда пахта, ғалла етиштириш билан бирга чорвачилик, боғдорчилик, қандолатчилик тармоқларини ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Фермер хўжалиги раҳбари Акмалжон Давроновнинг таъкидлашича, даромад ҳисобидан 2 та иссиқхона ташкил этилиб, 60 туп лимон кўчатлари ўтказилди. Шу билан бирга, фермернинг бу йилги режасида 2 гектар интенсив боғ ташкил этиш кўзда тутилган.

Хўжаликда меҳнат қилаётган 20 нафар аъзога барча меҳнат ва дам олиш шароитлари яратилган.

Абдулҳай ЮНУСОВ, “Ishonch” мухбири

Сурхондарё

Сариосиё туманидаги Хонжиза кони ишчи-хизматчилари “Хонжиза савдо сервис” масъулияти чекланган жамияти жамоаси фаолиятидан мамнун. Чунки корхона уларни сифатли озиқ-овқат, нон ва нон маҳсулотлари билан таъминлаб келмоқда.

СОВУТГИЧЛИ ОМБОР

Корхона фаолиятини янада кенгайтириб, банкдан олинган 2,3 миллиард сўм маблағ эвазига мева-сабзавотларни сақлайдиган, сиғими икки минг тонна совутгичли омборхонани бунёд этди.

— Замонавий компютерли технология ва ускуналар билан жиҳозланган омборимиз камераларида узум, лимон, хурмо, беҳи, ошқовоқ, пиёз, картошка, сабзи, турп, шолғом каби маҳсулотларни сақлаб, туманимиз дўкон ва бозорларига пешма-пеш сотиш учун етказиб бераяпмиз, — дейди “Хонжиза савдо сервис” МЧЖ раҳбари Абдуғаффор Аҳмедов. — Омборхона ишга тушиши билан ўтган йили Сариосиёдаги турли касб-ҳунар коллежларини битирган 20 нафар ёш иш билан таъминланди.

Рустам ДАВЛАТОВ, “Ishonch” мухбири

▽ 29 март — Сайлов куни

Мамлакатимизда 29 март куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик давом этмоқда. Марказий сайлов комиссияси аъзоси Эсонбой РАЖАБОВ ЎзА мухбирига ушбу муҳим сиёсий кампанияга тайёргарликнинг бориши ҳақида сўзлаб берди:

ФУҚАРОЛАРНИНГ САЙЛОВ ҲУҚУҚЛАРИ

— Сайловлар кучли фуқаролик жамиятига асосланган демократик ҳуқуқий давлатнинг ажралмас белгиси, халқнинг ўз хоҳиш-иродаси эркин ифодаланиши, жамият ва давлат ишларини бошқаришда фуқаролар иштирокининг асосий шаклидир. Мамлакатимизда яратилган ва юксак демократик талабларга жавоб берадиган сайлов тизими амалда фуқароларнинг энг муҳим сиёсий ҳуқуқи тўлиқ амалга ошишига хизмат қилаётир.

Фуқароларнинг сайловга оид ҳуқуқлари кафолатлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустаҳкамланган. Унда қайд этилганидек, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эга. Ҳар бир сайловчи бир овозга эга. Овоз бериш ҳуқуқи, ўз хоҳиш-иродасини билдириш тенглиги ва эркинлиги қонун билан кафолатланади.

Бу конституциявий кафолатлар ушбу соҳада қабул қилинган қонун ҳужжатларида янада кенгроқ акс эттирилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг “Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”, “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”, “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида”ги ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги Қонунларда сайловчиларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ўз ифодасини топган.

●○●●▶2

АҲОЛИГА СИФАТЛИ ХИЗМАТ

Тошкент вилояти Қибрай туманида аҳолига хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Туман марказида жойлашган “Гўзаллик салони” ана шу эътибор самарасидир.

Шаҳло Мирбобоева раҳбарлигидаги салонда замонавий услубларда турмаклаш, пардозлаш ишлари маҳоратли мутахассислар томонидан бажарилади. Беш кишининг бандлиги таъминланган масканда “Устоз-шогирд” анъанаси асосида ёшларга гўзаллик санъати сирларидан сабоқ бериш ҳам йўлга қўйилган.

Суратда: салон ходими Муҳайё Тўхтамуродова мижоз Дилдора Қосимова билан.

ЎзА фотомухбири Оқил ҒУЛОМОВ олган сурат

▽ Наврўз — 2015

ОРОЛБЎЙИДА БАҲОР НАФАСИ

Баҳорнинг илиқ шабадаси эсиб, қуёшли кунлар бошланди. Сайроқи қушлар ҳам жонланиб қолди, кўкда чарх уриб, чуғурлашгани-чуғурлашган. Офтобрўйда тобланган майсалар ердан бош кўтарди.

Бу баҳорнинг белгиси, Наврўздан нишона. Маҳалладошлар йиғилиб, тансиқ таом — сумалак пишириш тадоригини бошлаб юборган. Жамалак сочларига толбаргдан гулчамбар тақиб олган қизалоқларнинг қийқириғи оламни тутади. Қозон бошида кайвони момоларнинг ўгитини тинглаб, ўчоққа ўтин қалаётган келинларнинг қўли-қўлига тегмайди...

Қорақалпоғистоннинг иқлими бироз кескин бўлса-да, баҳор ёқимли, тароватли келади. Элликқалъа туманидаги Қилчиноқ овулида ҳам Наврўз тараддуди бошлаб юборилди. Ҳовлилар супириб-сидирилиб, саранжом-саришта хонадон эгалари кўча бўйларига гул, дарахт кўчатлари экишга тушиб кетди. Сув йўллари тозаланиб, оби-ҳаёт таралмоқда.

— Овулимизнинг “Олтин соҳил”, “Чўпон”, “Олтин воҳа”, Бердақ, “Пахтачи”, “Араб” ва “Қилчиноқ” маҳаллаларида истиқомат қилаётган ўн олти мингдан зиёд аҳоли ҳамжиҳат бўлиб баҳорги ободонлаштириш ишларида қатнашмоқда, — дейди “Қилчиноқ” овул фуқаролар йиғини раиси Неъмат Ўринов. — Бундай ҳамжиҳатликнинг бошида мўйсафидлар, ҳаёт тажрибасига бой кексалар тургани боис, ишнинг самараси яхши бўлаётир. Ҳудудимизда саксон ёшдан ошган эллик икки, тўқсон ёшдан ошган қирқ саккиз ва юз ёшдан ўтган икки нафар фахрий истиқомат қилади. Уларнинг маслаҳат ва ўгитлари ибрат мактабидир.

ЎзА суратчи

Овулда намунавий лойиҳалар асосида қад ростлаган 25 турар жойнинг атрофини кўкаламзорлаштириш ишига алоҳида эътибор қаратилиб, мевали дарахт кўчатлари ўтқазилмоқда. Еттита умумтаълим мактаби, иккита мактабгача таълим муассасаси, тез ёрдам ва битта қишлоқ врачлик пункти, 15 та маиший ва сервис хизмати шохобчалари атрофи ҳам ободонлаштирилмоқда.

Сумалак пишди, сумалак пишди... Энтикиб чопиб келаётган қизалоқнинг жарангдор овози узоқларга кетади. Маҳаллада Наврўзнинг тансиқ таоми сумалакни биринчи бўлиб ёши улуғ кексалар татиб кўради. Кейин аввал “Пахтачи” маҳалласида яшаётган 113 ёшли Пошша момо Юсупова, “Олтин соҳил” маҳалласидан 108 ёшни қаршилаётган Ойша момо Эримбетова хонадонига сумалак юборилди.

— Етказганига шукр, — дейди Пошша момо сумалакка ботирилган бармоғини юз-кўзига суртиб. — Соғомонликда, бағри бутунликда шу кунга етказганига минг шукр. Дастурхонимиз тўкинлиги, ризқимиз бутунлиги, хонадонимиз фаровонлиги — ҳаммаси юртимиздаги тинчлик-омонлик туфайлидир. Ҳар бир хонадонга Наврўз нафаси кириб, баҳорий кайфият улашсин. Сумалак сайлида қизжувонлар қўшиқ куйласин.

Бугун Қорақалпоғистоннинг барча шаҳару қишлоқларида, олис овулларида Наврўзга ҳозирлик ана шундай авжида. Баҳор, Наврўз айёми барчамизга муборак бўлсин.

А.ОРТИҚБОЕВ, ЎзА мухбири

▽ Кексаларни эъзозлаш йили

Муносиб яшашга интилган, фарзандларига ҳам шундай тарбия берган отахон-у онахонлар ҳамиша эъзозу эътиборда.

ИБРАТ МАСКАНИ

Наманган шаҳар қурилиш ва ижтимоий-иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи касаба уюшма қўмитаси аъзолари 91 ёшни қаршилаётган, иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, урушдан сўнг 56 йил мобайнида шифокорлик касбидан ардоқ топган меҳнат фахрийси Жўрахон ота Саидахмедовнинг хонадонида бўлишди. Суҳбат асноси отахон ҳар бир дақиқанинг қадрига етибгина мақсадга эришиш мумкинлигини бот-бот такрорлади.

Касабақўм раиси Адҳамжон Ҳожиев маъмурият ҳамкорлигида отахоннинг ўқувчилар билан учрашувини ташкил этди.

Коллеж ходимлари ва ўқувчилар отахоннинг ҳаёт йўлида учраган машаққатлар ва уларни енгишда нималарга эътибор қаратганлиги ҳақидаги пурмаъно фикрларини катта қизиқиш билан тинглашди.

Феруза ЭРМАТОВА, Наманган вилояти

2015-yil 10-mart, seshanba, № 33 (3538), www.ishonch-doverie.uz, e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

ФУҚАРОЛАРНИНГ САЙЛОВ ҲУҚУҚЛАРИ

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Миллий сайлов қонунчилигида белгиланган фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қоидаларига тўла мос келади.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида ҳар бир инсон бевосита ёки эркин сайланган вакиллар воситасида ўз мамлакатини бошқаришда қатнашиш ҳуқуқига эгалиги, халқ иродаси ҳокимиятнинг асоси бўлиши лозимлиги, бу ирода даврий, умумий ва тенг сайлов ҳуқуқидан яширин овоз бериш йўли билан ёки овоз бериш эркинлигини таъминлайдиган бошқа тенг қийматли шакллар воситасида ўтказилган сайловларда ўз аксини топиши лозимлиги белгиланган.

Бу тамойилларга миллий сайлов қонунчилигимиз тўла мувофиқ келади. “Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонунга биноан Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Сайловчилар ўз хоҳиш-иродаларини эркин билдириш ва яширин овоз бериш ҳуқуқига эгадирлар.

Бундай имкониятлардан амалда юртдошларимиз кенг фойдаланаётгани, хусусан, 2014 йил декабр ойида бўлиб ўтган парламент сайловларида намоён бўлди. Унда сайловчиларнинг қарийб тўқсон фоизи фаол иштирок этгани бунинг яққол исботидир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови кампанияси кўппартиявийлик ва тенглик тамойилларига мувофиқ давом этмоқда. Тўртта сиёсий партиядан номзодлар кўрсатилиб, улар сайловчилар ўртасида ташвиқот ишларини олиб бораётир. Сайловолди ташвиқоти даврида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда тенг ҳуқуқ таъминланмоқда. Аниқроқ айтганда, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга ўз сайловолди дастурлари асосий қоидаларини сайловчиларнинг эътиборига етказиш учун Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг “Ўзбекистон” ва “Ёшлар” теле ва радиоканалларида 900 дақиқадан эфир вақти берилди. Сайловолди ташвиқоти даврида “Халқ сўзи”, “Народное слово” ва “Правда Востока” газеталарида 10 саҳифадан нашр майдони ажратилди.

Бундан ташқари, ҳудудий теле ва радиоканаллар, босма нашрлардан ҳам фойдаланиш учун номзодларнинг ҳар бирига 180 дақиқа эфир вақти ва 5 саҳифагача нашр майдони ажратилган.

Бу каби чора-тадбирлар фуқароларнинг сайловга оид бутун жараён билан тўлиқ хабардорлигини таъминлаш, номзодларнинг дастурлари билан батафсил танишиш имконини бераётир. Зеро, бу сайловчиларнинг келгусида муносиб номзодни танлаб, унга овоз беришига хизмат қилади.

“Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг 18 ёшга тўлган фуқаролари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида қатнашиш ҳуқуқига эга. Ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий ва мулкий аҳволига, ирқий ёки миллий мансублигига, жинси, маълумоти, тили, динга муносабатига, машғулот тури ва хусусиятига қараб Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг сайлов ҳуқуқини бирон-бир тарзда бевосита ёки билвосита чеклаш тақиқланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказиш принципларига тўхталадиган бўлсак, бунда демократик талабларга ҳисобланган ошкоралик, эркинлик, тенгликка тўлиқ риоя этилади. Қонунга кўра, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлаш бўйича сайловолди кампаниясида ва овоз беришда эркин қатнашадилар. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўйича овоз бериш яширин бўлиб, фуқаролар томонидан бевосита амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказишда сайлов комиссиялари муҳим ўрин тутади. Айни пайтда мамлакатимизда бу институтнинг бутун тизими шакллантирилган ва комиссиялар ўз фаолиятини очиқ ва ошкора амалга оширмоқда. Сайлов округлари, сайлов участкаларида комиссия аъзолари томонидан сайловчиларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга оид чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Сайловчиларнинг овоз беришини ташкил этишга юқори савияда тайёргарлик кўрилмоқда. Чунончи, овоз бериш махсус ажратилган биноларда ўтказилади, уларда яширин овоз бериш учун етарли миқдорда кабиналар ёки хоналар жиҳозланиши, сайлов бюллетенлари бериш учун жойлар ажратилиши ҳамда сайлов қутилари ўрнатилиши керак. Сайлов қутилари овоз берувчилар улар ёнига албатта яширин овоз бериш кабиналари ёки хоналари орқали ўтиб келадиган қилиб жойлаштирилади.

Ҳар бир сайловчи шахсан овоз беради, бошқа кишилар учун овоз беришга йўл қўйилмайди. Сайлов бюллетенларини тегишли участка сайлов комиссияси аъзолари сайловчиларнинг рўйхати асосида паспорт ёки бошқа гувоҳнома кўрсатилгач беради. Ҳар бир сайловчи сайлов бюллетени олгани ҳақида сайловчилар рўйхатидаги ўз фамилияси рўпарасига имзо чекади.

Сайлов куни яшаш жойида бўлиш имконига эга бўлмаган сайловчи муддатидан олдин овоз бериши мумкин. Бунинг учун у ўз яшаш жойидаги участка сайлов комиссиясидан сайлов варақаларини талаб қилиб олиши, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар хусусида қарорга келиши ҳамда тўлдирилган сайлов варақаларини конвертга солиб, участка комиссиясига қолдириши мумкин. Сайловчи сайлов варақасини олганлиги ҳақида сайловчилар рўйхатига имзо чекади. Сайлов варақасининг нусхасини Марказий сайлов комиссияси белгилайди.

Айрим сайловчилар соғлиғи ёмонлиги туфайли ёки бошқа сабабларга кўра овоз бериш учун ажратилган бинога кела олмаган ҳолларда участка сайлов комиссияси уларнинг илтимосига кўра комиссиянинг камида икки аъзосига сайловчилар турган жойда овоз беришни ташкил этишни топшириши мумкин. Бирон-бир сабаб билан сайловчилар рўйхатига киритилмай қолган сайловчилар шахсини ва яшаш жойини тасдиқлайдиган ҳужжат асосида сайловчилар рўйхатига киритилади.

ЎзА мухбири Норгул АБДУРАИМОВА ёзиб олди.

Мустақиллик иншоотлари



КЎПРИКЛАР

нафақат йўлларни, дилларни ҳам бирлаштиради

Мустақиллик йилларида пойтахтимиз йўлларини замон талаблари даражасига келтириш мақсадида кўприксозликка катта аҳамият берилди. Бунёд этилган кўплаб бундай йўл иншоотлари нафақат шаҳар чиройини очмоқда, балки экологик шароитни яхшилашда муҳим аҳамият касб этаётир.

«Ўзавтойўл» давлат акциядорлик компаниясининг Тошкент кўприк хўжалигини сақлашга ихтисослаштирилган таъмирлаш-фойдаланиш корхонаси раҳбари Абдулбоқи Иззатуллаев билан суҳбатимиз шу мавзуда бўлди.

— Мамлакатда ижтимоий-иқтисодий тармоқларнинг юксалиши кўп жиҳатдан транспорт коммуникация тармоқлари ривожи билан чамбарчас боғлиқ. Йўллар бунёд этилган жойларга тараққиёт ҳам кириб келади. Шу боис мамлакатимизда мустақилликнинг илк йилларидан бошлаб янги йўллар қуриш, мавжудларини эса жаҳон андозалари талаблари асосида қайта таъмирлашга алоҳида аҳамият берилаётир. Айниқса, автомобил йўллари кесишган жойларда муҳташам кўприклар қурилаётгани транспорт воситалари ҳаракатига қулайлик яратмоқда.



ЎзА суратлари

Транспорт коммуникация тармоғини кенгайтиришга доир бундай бунёдкорлик ишларига корхонамиз жамоаси ҳам баҳоли қудрат ҳисса қўшиб келаяпти. Ўтган йилдан бошлаб корхонамиз фаолияти янада кенгайди. Сабаби, умумқурилиш корхонасига айлантирилиб, 510 кишилик жамоамиз томонидан қурилиш-монтаж, кўприк ва йўл қурилиши, асфалт ётқизиш ишларини бажариш кўлами ортди.

Бир сўз билан айтганда, пойтахтимиз кўркига кўрк қўшишда ҳамкасбларимизнинг хизмати катта бўлаётир. Меҳнатларимиз самараси Чиғатой дарвоза ва Сариқсув кўчалари, Беруний ва Хуршид кўчалари оралиғидаги анҳор устидан кўприк орқали янги айланма йўл қурилишида яққол кўзга ташланади.

— Йиллар малака ҳосил қилиш учун ўзига хос имкондир. Барчамиз кўриб турибмизки, кўприксозларда ҳам яхшигина тажриба тўпланган.

— Таъкидлаш лозимки, автомобил йўллари, кўприклар ҳолати ва улардан фойдаланиш самарадорлиги автоуловда юк ва йўловчи ташишни ривожлантириш даражасини белгилайди. Йўллар соз, кўприклар, ер ости йўллари равон бўлса, транспорт воситалари белгиланган тезликда юриши, кўпроқ йўловчи ва юк ташиш мумкин. Ёқилғи сарфи ва қийматини камайтириш транспорт воситасининг хизмат қилиш муддатини узайтириш имконини яратади.

Жамоамизнинг йирик йўл ўтказгичлар, кўприклар, замонавий автомагистраллар қуриш техникасини мукаммал ўзлаштиргани замонавий талабларга жавоб берадиган коммуникация тармоқларини бунёд этишда ниҳоятда қўл келяпти. «Гулистон — Оҳангарон» автомобил йўлининг 61-116 километрларида янги йўналиш барпо этилиб, «Бўка — Сирдарё» ва «Қорасув — Бўка — Бекобод» автомобил йўллари кесишган жойда ҳаракат хавфсизлигининг қулай ечими — ўтиш иншооти қурилган бўлса, «Тошкент — Чирчиқ — Чимён» автомобил йўлининг 66,6-76,5 километри ва 80-81 километри ораликлари, «Тошкент — Душанбе» автомобил йўлининг Зангиота ер ости ўтиш йўли қайта қурилди.

— Иншоот қурилаётганда йўлларнинг қайси жиҳатлари устида кўпроқ бош қотирилади? Кўприксозлик фақатгина қуриш эмас, балки унинг атрофини ободонлаштириш, довдарахтларга буркаш демакдир.

— Фикрингизга қўшиламан. Кўприкларни қуришдан аввал йўллардаги машиналар тирбандлигига барҳам бериш масаласига асосий эътиборни қаратамиз. Натижада, машиналардан чиқаётган газ миқдори камаяди. Корхонамиз муҳандис-техник ходимларининг саъй-ҳаракатлари туфайли янги Тошкент автомобил ҳалқа йўлининг 63-километридан «Бектемир — Ғазалкент — Чорвоқ» айланма йўлигача бўлган қисми ҳамда «Тошкент — Ангрен» темир йўлидан ўтиш жойида йўл ўтказгич барпо этилди.

Бирон-бир кўприк лойиҳаси амалга оширилаётганда атрофдаги табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва шу жойда бўлган амалдаги табиий мутаносибликни сақлаш чораларига ҳам асосий эътиборни қаратамиз. Қўлланилаётган технологик ечимлар белгиланган санитария меъёрларига мос келиши зарур. Сув ҳавзаси ва ер ости сувлари ифлосланишига, бошқа зарарли жараёнлар ҳосил бўлишига ҳамда атроф-муҳитни ифлослантирувчи чиқиндиларни ташлашга йўл қўймаймиз. Кўприклар атрофига чим ётқизилиб, гуллар экилиб, ободонлаштирилади.

Биз касбимиз билан фахрланамиз. Чунки қурилаётган кўприклар нафақат йўлларни, дилларни ҳам бирлаштиради.

Суҳбатдош: Неъмат РАФИҚОВ, “Ishonch” мухбири

▽Сарҳисоб

Қашқадарё вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасининг 2014 йилдаги фаолияти якунлари ва 2015 йилдаги устувор йўналишларига бағишланган навбатдаги X йиғилиши бўлиб ўтди. Унда бирлашма кенгаши раиси ҳисобот даври бўйича ташкилот фаолияти юзасидан маълумот берди.

УСТУВОР МАСАЛА

Жумладан, ҳаракатдаги жамоа шартномалари ва келишувлари орқали 460 мингга яқин ишчи-ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари қамраб олинган.

Ўтган йилда бирлашма кенгашининг меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими мутахассислари ва жойлардаги меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакиллар томонидан 671 та корхона, ташкилот, муассасаларнинг иш фаолияти ўрганилиб, 5740 та меҳнат муҳофазасига оид қоидабузарликлар аниқланиб, аксарияти ўз вақтида бартараф этилганлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Йиғилишда Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг вилоят бўйича масъул ташкилотчиси Исмат Очилов, Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси вилоят бирлашган қўмитаси раиси Боймурод Мейлиев, Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Китоб туман кенгаши раиси Пўлат Жуманазаров, Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Ғузор туман бирлашган қўмитаси раиси Эшпарда Ниёзов, Қашқадарё радио-телевизион узатиш маркази КУҚ раиси Ғофир Раҳмонов ва бошқалар сўзга чиқиб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Акмал АБДИЕВ, “Ishonch” мухбири

▽Байрам шарафига

Ўзбекистон халқ шоири Зулфия таваллудининг 100 йиллиги ҳамда Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан Ўзбекистон Фанлар Академияси бирлашган касаба уюшма қўмитаси ва “Ижтимоий фикр” маркази касаба уюшма қўмитаси ҳамкорликда “Юртимиз аёллари дунё аёллари ичида тенгсиздир!” номли тадбир уюштирди.

СЕН БАРИБИР МУҚАДДАССАН...

Унда “Ижтимоий фикр” маркази жамоаси, илм-фан соҳаси вакиллари иштирок этди. Тадбир аввалида истиқлол йилларида юртимиз аёлларига бўлган эътибор, уларнинг жамиятимизда тутган ўрни, хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ҳақида сўз юритилди.

Зулфияхонимнинг бетакрор истеъдоди, Ватанга муҳаббат, вафо ва садоқат туйғуларини юксак пардаларда тараннум этган етук бадиий асарлари, ибратли ҳаёти ва ижтимоий фаолияти билан миллий адабиётимиз ва маданиятимиз ривожига қўшган улкан ҳиссаси ҳақидаги маърузалар тингланди.

Тадбирда “Ижтимоий фикр” марказида кўп йиллардан бери меҳнат қилиб, ёшларга ҳар томонлама ўрнак бўлиб келаётган аёлларга мақтов ёрлиқлари топширилди.

Б.ҒУЛОМОВ, “Ижтимоий фикр” маркази касаба уюшма қўмитаси раиси

***

“Бўстон санаторийси” МЧЖда Халқаро хотин-қизлар кунига бағишлаб “Сен барибир муқаддассан, муқаддас аёл” номли байрам тадбири уюштирилди.

Унда даволаш ишлари бўйича директор ўринбосари И.Эшназаров сўзга чиқиб, барча аёлларни байрам билан муборакбод этди.

Дилрабо куй-қўшиқлар тадбирга ўзгача руҳ бағишлади.

Ўз мухбиримиз

Ўзбекистон касаба уюшмалари тизимида Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан “Аёли қадрланган диёр” мавзуида маданий-маърифий тадбирлар уюшқоқлик билан ташкил этилаётир.

АЁЛИ ҚАДРЛАНГАН ДИЁР

Донолар «Она бир қўлида бешикни, бир қўлида дунёни тебратади», деб бежиз айтишмаган. Мамлакатимизда хотин-қизларга бўлган эътибор йил сайин кучайтирилиб, эл-юрт фаровонлиги улар туфайли янада пурзиё бўлиб бораётганида ўзига хос ҳикмат бор. Куни кеча Тошкент шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси томонидан ўтказилган тадбир асосида буни яна бир карра ҳис қилдик.

— «Аёлни қадрлаган диёр» мавзуидаги мазкур тадбир, авваламбор, ҳурмат-эҳтиром рамзи бўлиб, бугун биз бу ерга Ватан тараққиётига ўз ҳиссасини қўшаётган хотин-қизларни рағбатлантириш мақсадида йиғилдик, — дейди бирлашма кенгаши раиси муовини Баҳодир Дадабоев. — Шунингдек, тадбирга касаба уюшма тизимида кўп йиллар ишлаган меҳнат фахрийлари, касаба уюшма фаоллари ҳамда ёш касаба уюшма раислари ҳам ташриф буюришган. Зеро, бугунги учрашувни «Уч авлод учрашуви» десак ҳам янглишмаймиз.

Тадбирда бирлашма кенгаши раиси Сайфулла Аҳмедов жорий йилнинг Кексаларни эъзозлаш йили деб эълон қилиниши мамлакатимизда юритилаётган изчил сиёсатнинг мантиқий давоми эканлигига урғу бериб, отахону-онахонларга эҳтиром ёшлар тарбияси таъсирчанлигини оширишда муҳим аҳамият касб этиши ҳақида сўз юритди.

Меҳнат фахрийларидан Галина Алибеева, Ноила Умарова, ёшлардан Дилноза Ўлмасова, Шаҳло Иноғомовалар бундай эътибор учун Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ҳамда бирлашма кенгашига ўз миннатдорликларини билдиришди.

***

Ўзбек Миллий академик драма театрида Тошкент вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши томонидан ўтказилган маданий-маърифий тадбир ҳам хотин-қизлар байрамига бағишланди. Унда ишлаб чиқариш ҳамда фан, таълим, маданият ва тиббиёт соҳаларида намунали фаолият юритаётган хотин-қизлар иштирок этишди.

Ғадбирни Тошкент вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси бўлим мудири Улуғхўжа Ҳамзаев очиб, йиғилганларни Халқаро хотин-қизлар байрами билан табриклади ва эзгу тилаклар билдирди.

Таъкидландики, ушбу байрам тадбирларини юқори савияда ўтказиш мақсадида адабиёт ва санъат дарғалари билан давра суҳбатлари, учрашувлар, кўрик-танловлар ташкил этилаётир. Шу билан бирга, жойларда турли соҳаларда самарали меҳнат қилаётган фаол хотин-қизларни рағбатлантириш, юксак касб маҳорати билан барчага ўрнак бўлаётган меҳнат фахрийларини шарафлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

— Чиноз туманидаги 45-умумтаълим мактабда ўзбек тили ва адабиёти фанидан дарс бераман, — дейди тадбир қатнашчиси Муҳаббат Турсунхўжаева. — Ҳар йили кўплаб хотин-қизларимиз мамлакатимизнинг юксак унвонлари — орден ва медаллар билан тақдирланмоқда. Мен ҳам «Халқ таълими аълочиси» унвонига сазовор бўлдим. Бундай рағбат янги-янги зафарлар сари руҳлантирмоқда. Кўплаб илмий ишланмаларим вилоятимиздаги умумтаълим мактабларида оммалаштирилмоқда.

Байрам тадбирида хотин-қизларнинг оила ва жамиятдаги мавқеини юксалтириш, фидокорона меҳнатлари, намунали ҳаёт йўли билан барчага ўрнак бўлаётган муҳтарама онахонлар, меҳнат фахрийлари ҳамда фаол аёлларнинг 65 нафари қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Санъат усталари ва ёш ижрочилар томонидан куйлаган қўшиқлар даврага файз киритди.

Тадбир сўнгида «Йиғлама қиз» номли спектакл намойиш этилди.

***

Баҳорнинг илк айёми муносабати билан Наманган вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ташаббуси билан ташкил этилган “Аёли қадрланган диёр” шиори остида “Бошланғич ташкилотларда энг фаол Хотин-қизлар комиссияси раиси” танловида ҳар бир ҳудудда тармоқ касаба уюшмаларига аъзо намунали бошланғичдан биттадан вакил тўртта шарт бўйича баҳс юритди.

Тадбир шартлари бўйича Хотин-қизлар комиссияси раисларининг мазкур соҳага оид тушунчаларини синовдан ўтказиш баробарида, уларнинг иккинчи истеъдоди, билими, дунёқараши, жисмоний тайёргарлиги ҳам баҳоланди. Санъаткорларнинг чиқишлари даврага ўзгача файз бағишлади. Ватанимиз тараққиётига ўз меҳнатлари билан ҳисса қўшган онахонлар, эл эъзози-ю ардоғига муносиб фахрийлар касаба уюшмасининг махсус совғалари билан тақдирланди.

Ўз мухбирларимиз

***

Тармоқ кенгашимиз туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими билан ҳамкорликда “Аёли қадрланган диёр” мавзуида учрашув ташкил этди. Унга меҳнати, намунали ҳаёт йўли билан барчага ўрнак кўрсатган хотин-қизлар, муҳтарама онахонлар, тармоқ тизимидаги давлат ва нодавлат секторида фаолият юритиб, касаба уюшма фаоллари бўлган меҳнат фахрийлари таклиф этилди.

Тадбирда таълим соҳасида давлат мукофоти совриндорлари бўлган Маҳфуза Ғаниева, Хурсанд Ғаниева, Матлуба Муқимова, Зарифа Абдурасулова, Барно Эргашева каби устоз-мураббийлар ўзларининг самарали фаолияти ҳамда эришган ютуқлари ҳақида гапириб беришди. Хотин-қизларга ҳукуматимиз, қолаверса, касаба уюшма ташкилотларининг кўрсатаётган эътибор ва ғамхўрлигидан чексиз миннатдор эканлигини билдирди. Шундан сўнг, иштирокчилар ва касаба уюшма фаолларига туман кенгашининг байрам совғалари топширилди.

Бу каби байрам тадбирлари тумандаги барча бошланғич касаба уюшма ташкилотларида уюшқоқлик билан ўтказилмоқда.

Баҳриддин ЭГАМБЕРДИЕВ, Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Китоб туман кенгаши раиси

***

Навоий вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши ташаббуси билан “Аёли қадрланган диёр” мавзуида ўтказилган учрашувга турли соҳаларда фидокорона меҳнат қилаётган 80 нафар хотин-қиз, табаррук ёшли онахонлар ташриф буюрди.

Тўкин дастурхон атрофида дилкаш суҳбат қурилди. Вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Назира Тоғаева, вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Анора Бобомуродова, шоира Хосият Бобомуродова ва бошқалар барчани байрам билан қутлади.

Иштирокчиларга касаба уюшмаларининг совғалари туҳфа этилди.

Феруза МАРДИЕВА, вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими мутахассиси

***

Сурхондарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши уюштирган тадбирда 85 нафар давлат ва нодавлат секторида меҳнат қилаётган илғор хотин-қизлар, шунингдек, меҳнат фахрийлари рағбатлантирилди.

Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ходимлари касаба уюшмаси вакиллари эса тармоқ тизимида фаолият кўрсатаётган 54 нафар фидойи хотин-қизга байрам совғалари топширишди.

Ў.ЎТАГАНОВ, вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши бўлим мудири

2015-yil 10-mart, seshanba, № 33 (3538), www.ishonch-doverie.uz, e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

ЖАҲОЛАТГА ҚАРШИ МАЪРИФАТ БИЛАН

Бугунги кунда замонавий ахборот майдонидаги ҳаракатлар шу қадар тиғиз, шу қадар тезкорки, энди илгаридек, ҳа, бу воқеа биздан жуда олисда юз берибди, унинг бизга алоқаси йўқ, деб бепарво қараб бўлмайди. Ана шундай кайфиятга берилган халқ ёки миллат тараққиётдан юз йиллар орқада қолиб кетиши ҳеч гап эмас.

Глобаллашув жараёнининг яна бир ўзига хос жиҳати шундан иборатки, ҳозирги шароитда у мафкуравий таъсир ўтказишнинг ниҳоятда ўткир қуролига айланиб, ҳар хил сиёсий кучлар ва марказларнинг манфаатларига хизмат қилаётганини соғлом фикрлайдиган ҳар қандай одам, албатта, кузатиши муқаррар.

Ислом КАРИМОВ

Ахборот хуружи

уни уйғоқ фикр ва мустаҳкам ирода билангина енгиш мумкин

Бугун сизу биз яшаётган бу тезкор дунёда ҳар биримиз ўз ўрнимизни топишни истаймиз ва бунинг учун тинимсиз ҳаракат қиламиз. Аммо, биз тирикчилик билан бўлиб фарзандларимиз тарбияси билан мунтазам тарзда шуғулланишни фаромуш этмаяпмизми? Тўғри, кимлардир фикримизни рад этиши, ўз эътирозларини билдириши ҳам мумкин. Бироқ, баъзи бир ўспиринларнинг хатти-ҳаракатларини кузатиб, уларнинг тарбияларидаги ўзгаришларни пайқамаслик мумкин эмас.

Хўш, бўш қолган ёшлар бугун нималар билан машғул? Ўйлаймизки, ушбу савол ҳар кимни бирдек ўйлантиради. Ёшларнинг аксарияти турли йўналишдаги тўгаракларга, спорт мажмуаларига қатнаётганлиги, вақтини самарали ўтказаётгани кишини қувонтиради, албатта. Аммо, барча бирдек фойдали иш билан банд, деб айта оламизми?!



Ҳозирги кунда интернет тармоғи ва компютер ўйинлари ёшларнинг тарбиясига салбий таъсир ўтказяпти, деган фикр кўп янграяпти. Бу қанчалик ҳақиқатга яқин? Интернет кафеларни кузатсак, фойдаланувчиларнинг аксарияти ёшлар, ўспиринлар эканлигига гувоҳ бўламиз. Афсуски, уларнинг аксарияти мурожаат этаётган нарса интернет эмас, балки компютер ўйинлари эканлиги ҳам бор ҳақиқат. Бу ўйинлар жуда катта билим асосида яратилган бўлиб, ундаги жараёнлар фойдаланувчини ўзига ипсиз боғлаб қўяди.

Эрталабки соат саккиз, саккиз яримлар чамаси интернет кафенинг эшиги ёнида икки мактаб ёшидаги болага кўзим тушди. Қўлларида пуллари ҳам бор. Қизиқиб улардан сўрадим:

— Хўш, нима қилиб ўтирибсизлар бу ерда?

— Ўйин ўйнамоқчимиз.

— Мактабга бормадингларми?

— Йўқ, тушдан кейин борамиз...

Интернет кафеларни кузатар экансиз, ўспиринларнинг якка ҳолда ёки гуруҳ-гуруҳ бўлиб ўйин ўйнаётганларини кўрасиз. Энг ҳайратланарлиси, уларнинг барчаси руҳий таранг ҳолатда бўлишади. Ўйин давомида бир-бирларини сўкишади. Отаонанинг кимлигини ҳам унутишгандек таассурот қолади сизда. Якка ўзи ўйнаётганлар ҳам чакки эмас. Улар ўйин давомида дастурга тинмай ютқазишлари оқибатида жазавага тушиб, столни уриб полни тепадилар...

Ёшлар ҳар куни ёки кунора шу ўйинларни ўйнагани сари виртуал олам аста-секин мия қобиғида муҳрланиб, натижада мия виртуал олам билан реал оламни қориштириб қабул қила бошлайди. Бу фожиами, ҳа, катта ФОЖИА!

Хўш, интернет тармоғи бу борада қандай ижобий ва салбий хусусиятларга эга?! Бу ҳақда соатлаб тортишиш мумкин. Ҳа, ҳаммаси тўғри, унинг «ўргимчак тўри» дея эътироф этилиши ва ўз баробарида XXI асрнинг ўзига хос кўриниш касб этишига сабаб бўлаётган бу «олам» дунё халқларини бир «мажмуа»га жамлаганлиги, айтиш мумкинки, эътирофга лойиқ. Интернет дунёни «тебратаётгани» ҳам бор гап. Оммавий ахборот воситалари ичида энг қисқа фурсатда дунёни забт этган интернет тармоғи эндиликда одамларни ҳам ўз «коми»га торта бошлади. Интернет воситасида тарқатилаётган ахборотларнинг маълум бир фоизи тасдиқланмаганлиги ёки ҳужумкор тарзда гавдалана бошлаганини эндиликда ҳеч ким инкор эта олмайди.

Интернетдан фойдаланувчилар билиб-билмай кўплаб ахборотларга дуч келишади. Бир нарса аёнки, ахборотлар орасида бузғунчи руҳдаги фикрларга суғорилган ахборотлар ҳам талайгина. Хўш, ёшлар улардан ўз кучи билан ҳимояланишга қодирми?

Шу ўринда икки оғиз ахборот хуружи тушунчасини изоҳлаб ўтсак. Ахборот хуружи, бу инсонни ўзлигидан айириш, уни ёт ғоялар билан заҳарлаш ва шу орқали ўз ниятини амалга оширишдан иборат. Бугун биз *бир* ҳақиқатни тан олишимиз керакки, ахборот хуружини олдини олиш, ундан ҳимояланиш осон масала эмас. Зеро, у жанг майдонларидан-да даҳшатли, ундан-да мудҳиш оқибатларни юзага келтириши мумкин. Ахборот хуружи натижасида жамиятлар барбод бўлмоқда, одамлар бир-бирига қурол ўқталмоқда. Фарзанд отасининг қонини тўкмоқда.

Ҳиндистоннинг таниқли сиёсий арбоби Махатма Ганди ўз вақтида ушбу масалага оид шундай фикрларни айтган эди: «Мен уйимнинг дарвоза ва эшикларини маҳкам беркитиб ўтира олмайман. Чунки унга тоза ҳаво кириб туриши керак. Ва шу баробарида эшик ва деразаларимдан кираётган ҳаво довул бўлиб, хонадонимни ағдар-тўнтар қилиб, ўзимни йиқитиб ташлашини ҳам хоҳламайман».

Дарҳақиқат, бугун биз юртимизни ахборот оқимидан кўр-кўрона узиб қўя олмаймиз, аммо вайронкор ғоялардан ёшларимиз онгу шуурини асраш йўллари ва чораларини ўз вақтида кўрмаслик ҳам мумкин эмас.

Шавкат ТАИРОВ,
журналист

Интернетда хитойлик ўсмир ўз буйрагини 3000 долларга пуллаб, «Apple» гаджети бўлган «Ipad» ва «Iphone» харид қилгани ҳақидаги хабарни ўқиб, беихтиёр ёқа ушладим. Глобаллашув дея аталувчи учқур от баъзан наинки турмуш тарзимиз, балки онгу тафаккуримиз, эътиқодимизни ҳам чангида қолдириб кетаяпти. Унинг гардларини тозалайман, деб бутун жамият ҳалак.

Тарбиянинг илдизи



Ўқув амалиёти жараёнида мактабда 5-синф ўқувчиларига бириктирилганмиз. Ўқувчиларнинг деярли барчасида замонавий мобил телефон, планшет, кўпчилигида ноутбук, ҳеч бўлмаса «Ipad»лар бор. Болалар дарс пайтида фойдаланиш ман этилган бўлса-да, танаффус чоғида, дарсдан сўнг ана шу техникалар орқали маълумот, ўйинлар алмашади. Интернетдан фойдаланадилар. Ота-онаси бу каби қиммат матоҳларни олиб бермаган ўқувчилар эса ҳавасланиб, четдан қараб туради ва аминманки, уйга боргач, хархашани бошлайди. Оқибат, ота-она фарзандининг ўксимаслиги ёки бировдан кам бўлмаслиги учун рўзғордан тежаб-тергаб ана шу матоҳни олиб беришга ҳаракат қилади. Мақсадига эришган бола эса бутун фикри-зикри қўл телефонида бўлиб, ўқишдан узоқлашади. Хаёлини ортиқча, кераксиз ахборотлар эгаллайди. Статистик маълумотларга қараганда, замонавий мобил телефонга эга бўлган одам ўзи билмаган ҳолатда кунига 10-15 марта телефонини кавлаштиради. Бунинг оқибатида асосий ишидан чалғийди.

Гоҳида ўсиб келаётган ўғил-қизи тақдирига бефарқ ота-оналарни кўриб, баралла ҳайқиргим келади: Қай томонга қараб бораяпмиз?! Фарзандимиз бизнинг эртамиз-ку. «Бола — пошшо» деб, хатолар дарвозасини ланг очиб қўймаяпмизми?

Ситора ШАМСИДДИНОВА

Ҳозир бирор мамлакатни забт этиш, бирор халқни бўйсундириш учун қанчадан-қанча қурол-аслаҳа, техника, аскарнинг кераги йўқ. Бунинг учун ахборот хуружларини ишга солиш кифоя. Онгни бошқариш технологиялари куч ишлатиш, мажбурлаш, зўравонлик каби ғаразли мақсадларнинг асосига айланган.

Глобаллашув жараёнида

Куч орқали мақсадга эришиш инсоният томонидан бирдек қораланади, чунки бунда инсонга жисмоний оғриқ, шикаст, моддий зарар етказилади. Ишонтириш воситасида ҳаракат қилаётганларни эса бирор нарсада айблаш қийин. Чунки, улар тарғиб қилаётган ғоялар ортида қандай манфаат яширинганини билиш осон эмас. Ваҳоланки, сўз, фикр, ахборот орқали инсон тафаккурини забт этиш мамлакат, ҳудудни босиб олишнинг бироз маданийлашган кўринишидир. Бироқ бунда истилочининг ким экани номаълум бўлади, ҳатто аҳоли ўзини босиб олиш учун ким кураш олиб бораётганини англамайди ҳам. Бу кураш яширин равишда, зимдан оширилгани боис, унга уюшқоқ ҳолда қаршилик кўрсатиб бўлмайди, айнан шу омил бундай хуружларнинг муваффақиятини белгилаб беради.

Кўпинча суҳбат чоғида айрим зиёлилар номақбул мусиқа, филмларнинг, миллий маънавиятимизга зид одатларнинг ёшларга, умуман, одамлар онги ва қалбига салбий таъсири ҳақида куюниб гапириб қолишади. Дарҳақиқат, на маъно-мазмунга эга, инсоний ҳислардан кўра кўпроқ ҳайвонийликка хос бўлган "оммавий маданият" намуналарига ҳаётимизда кўплаб дуч келамиз. Президентимиз илгари сурган "ғояга қарши ғоя, фикрга қарши фикр, жаҳолатга қарши фақат маърифат билан курашиш ҳар қачонгидан кўра муҳим аҳамият касб этмоқда" деган фикрнинг мазмун-моҳияти айнан шу фалокату ҳалокатларнинг олдини олишга қаратилган.

Табиийки, "оммавий маданият" деган ниқоб остида ахлоқий бузуқлик ва зўравонлик ғояларини тарқатиш, керак бўлса, шунинг ҳисобидан бойлик орттириш каби ғаразли мақсадлар ётадики, бу таҳдидлар одамни ташвишга солмай қўймайди. Бунга компютер ўйинларига ёки айрим интернет сайтларига кириб, унга боғланиб қолиб, ўз ҳаётини издан чиқараётган ёки осон пул топаман деб интернет орқали иш излаб, бегона юртларда сарсону саргардон бўлиб юрган инсонлар ҳақида юзлаб, минглаб мисолларни келтиришимиз мумкин. Ваҳоланки, ўз умримиз кушандаси бўлиб қолишдан сақланишимиз ва атрофимиздагиларни ҳам ушбу иллатлардан огоҳ этишимиз зарур.

Ҳақиқатан, бугунги глобаллашув жараёни огоҳликни, ҳар бир масалада оқилона йўл тутишни талаб этади. Биз, Ўзбекистон ёшлари миллий қадриятларимизни, улуғ аждодларимизнинг бебаҳо меросини теран англаган ҳолда "оммавий маданият"га муносиб жавоб бера олишимиз зарур.

Шаҳноза ТАНГРИБЕРГАНОВА

Уяли телефонлар ҳаётимиздан кенг ўрин эгаллаган. Энг ёмони, орамизда телефонсиз бир кун ҳам яшолмайдиган ва телефон юрагининг ярми бўлиб қолган ёшлар бор. Уларнинг қўлида турфа хил — бир-биридан чиройли телефонлар. Бир куни қизиқиб дўконга кирсам, телефонлар жуда кўп. Сотувчидан нархини сўрасам, барчаси биз ёшларга қимматлик қилар экан.

Соғлом турмуш ўз қўлимизда

Шунда телефон нимага керак ўзи, ахир шу кунгача ота-боболаримиз телефонсиз яшаб келган-ку, деган фикрлар кечди кўнглимдан. Хато фикрлаётганимни сезиб турсам-да, тенгдошларимнинг телефонсиз «яшай» олмаётганлари мени ўйлатарди. Яқинда бир танишимдан энг яқин дўстининг телефон рақамини сўрасам, ёддан билмаслигини айтиб телефонини очиб кўрди. Қаранг-а, қўшиш, айириш, кўпайтириш амалларию сўзларнинг ёзилишигача телефон ёрдамидан фойдаланадиганлар кўпайиб кетди. Бундай ҳолатда хотирамиз ўтмаслашиб қолмасмикан?!

Интернетнинг афзалликлари жуда кўп, аммо кундан-кунга яратилаётган алламбало сайтлар ўсиб келаётган йигит-қизлар онгига салбий таъсир этмасдан қолмаяпти.

Интернетдаги кераксиз ва вақтни ўғирловчи ўйинлар ўйнашга берилиш кўриш қобилиятининг пасайиши, уйқусизлик, карлик ва бошқа касалликларга олиб келади. Олтиндан қиммат ёшликни бекорга ўтказишдан кимга фойда-ю кимга зарар?!

Инсонга ҳаёт бир маротаба берилади. Нега ундан унумли фойдаланмай, кераксиз нарсаларга вақтимизни сарфлаймиз. Ахир, инсон олдинга интилганида, босган изига ҳам қараши керак эмасми?! Севимли шоиримиз Ғафур Ғулом айтганидек:

Азиз асримизнинг азиз онлари,
Азиз одамлардан сўрайди қадрин.
Фурсат ғаниматдир шоҳ сатрлар-ла,
Безамоқ чоғидир умр дафтарин.

Шаҳодат УСМОНОВА,
Термиз ижтимоий-иқтисодий касб-ҳунар коллежи ўқувчиси

Компютер қаршисидаги ўспирин

Шокир ота ҳар куни невараси Набижонга зорлангани-зорланган. Бугун ҳам уни компютер билан андармон ҳолда кўриб, чидолмади:

— Ўғлим, бунча шу матоҳингдан кўз узмайсан, ундан кўра бирорта фойдалироқ машғулот билан шуғуллансанг бўлмайдими-а? Дам компютер, дам телефондан бўшамайсан. Ўзинг билан ўзинг ҳингир-ҳингир кулиб, кимлар билан ёзишасанми-ей, ўйинлар ўйнайсанми, сира тушунолмадим. Бу техникаларингдан чиқаётган нур инсон учун қанчалик зарарли эканлигини биласанми?

— Э, бобо, буни виртуал олам деб қўйишибди, — дея ишшайди Набижон. — Ҳозир мен тенги ёшларнинг бари шу билан машғул, нима ўртоқларимдан ортда қолайми?! Саломатлигимга келсак, ундан ҳеч ҳам шикоятим йўқ. Агарда кўз нурим пасайса, ана ҳар қадамда кўзойнак сотадиган дўконлару, линза тақамиз деб турган марказлари кўп учратамиз. Бу эса бизни мавзуга такрор ва такрор мурожаат қилишга ундайди.

Кўпчилик инсонлар ўз саломатлигини асраш, касалликларнинг олдини олиш йўлида кўз кўриб қулоқ эшитмаган тадбирларни қўллашади-ю, аммо соғлигига асосий хатар ва зарба қайси томондан келиши ҳақида бош қотиришмайди.

Шунчаликка бориб етдикки, чақалоқларни овутиш илинжида қўлига телефон тутқазамиз. Ундан тарқалаётган ултратовушли нурлар болага қанчалик зарар етказишини ўйлаб ҳам ўтирмаймиз, қулоғимиз тинчиса-ю, боламиз йиғидан тўхтаса бўлди. Баъзида, компютер қаршисида соатлаб қолиб кетганимизни сезмай ҳам қоламиз, нима билан машғул бўлишимизга қарамасдан, ҳар бир ярим, икки соатда қилаётган ишимизни тўхтатиб, ярим соат тоза ҳавода нафас олишимиз кераклигини, бу саломатлигимизга катта фойда беришини ўйламаймиз ҳам. Айниқса, ҳомиладор аёллар тиқилиб ётибди.

Шокир ота неварасининг олдига икки-учта газета қўйди. Уларда компютер ва телефонларнинг фойдали ва зарарли томонлари ҳақида ёзилган эди. Бобо Набижондан уларни овоз чиқариб ўқишини сўради. Хушламайгина газета ўқий бошлаган ўспиринининг қиёфаси аста-секин жиддийлашди.

Компютер ва уяли алоқа воситалари билан боғлиқ бундай муаммоларга ҳар бир оилада дуч келиш мумкин. Боласининг паришонхотирлигидан шикоят қилувчи ота-оналарни компютердан иложи борича камроқ фойдаланганлари маъқул. Мутахассисларнинг таъкидлашича, ҳомиладор аёлларнинг компютердан фойдаланиши кунига икки соатдан ошмаслиги лозим.

Компютер технологияларидан кўп фойдаланиш оқибатида, айниқса, ўсмирларда ақлий саводхонлик даражасининг пасайиб кетганлиги кузатилмоқда. Боиси, ёшларнинг кўпчилиги кутубхоналарга бормасдан, изланмасдан, тайёрга айёрликни ўзларига касб қилиб олган ҳолда осон йўл билан маълумотларни интернет тармоғидан топишяпти. Тасаввур қилиб кўринг: дарс жараёни, ўқитувчи имтиҳон саволларини тарқатди, китоб ва дафтарларни парта устидан йиғиштириб қўйиш буюрилади. Имтиҳонга аввалдан тайёрланган биринчи ўқувчи саволларга тезлик билан жавоб топиб, миясида борини дафтарига тушира бошлайди. Тайёрланмаган иккинчи ўқувчи дарҳол уяли телефонига юзланади, интернетдан саволларнинг жавобларини қидиришга тушади ва топади. Шу ўринда яна битта савол туғилади: қайси ўқувчига кўпроқ фойда тегади? Иккала ўқувчининг ҳам рейтинги бир хил, аммо биринчи ўқувчи иккинчи ўқувчидан кўпроқ фойда топади, чунки билим унга бир умрга йўлдош бўла олади, иккинчи ўқувчида эса бугун бор, эртага йўқ.

Мен бу билан замонамиз кашфиётларини қораламоқчи эмасман. Улар вақтимизни тежаши, узоғимизни яқин қилиши бор гап. Бироқ ҳар нарсанинг меъёри бор. Меъёрлар бузилган жойда, фойда ўрнини зарар эгаллай бошлайди. Болаларимиз эртага виртуал дунё асирига айланмасликлари учун бугун ҳаракат қилишимиз, уларга компютер ўйинларининг зарарли томонларини тўғри тушунтиришимиз лозим. Қолаверса, болаларни ҳар доим фойдали машғулотлар билан банд қилишга ҳаракат қилишимиз, уларни ижодкорликка даъват этишимиз, қўллаб-қувватлашимиз керак. Ана шундагина кўзланган натижага эриша оламиз.

Дилфуза ҲАСАНОВА,
Урганч тиббиёт коллежи ўқитувчиси

«Оммавий маданият» — иллат

Юртимизда мустақиллик йилларида ёш авлодни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш, маънавий дунёқарашини ўстиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бугунги кунда "оила — маҳалла — таълим маскани", "оила – маҳалла — корхона" тизимлари ягона мақсад, яъни ёшларни баркамол инсонлар этиб тарбиялашга хизмат қилаётир.

Дунё миқёсида ахборот алмашув жараёни кучайиши интеграция ва глобаллашувнинг тобора авж олишига сабаб бўлаяпти. Бу эса турли маънавий таҳдидларни юзага келтирмоқда. Шундай хавфлардан бири "оммавий маданият"нинг кириб келишидир.

"Оммавий маданият" замирида иқтисодий, сиёсий, ҳарбий қудратга эга бўлган, бошқа мамлакатларга таъсир ўтказа оладиган давлатларнинг манфаати туради. Четдан кириб келаётган ёт ғоялардан ҳимояланишнинг муҳим воситаларидан бири миллий тарбиядир. Миллий тарбия миллат вакилларига, айниқса, унинг ёшларига миллий мерос, урф-одат, анъана ва ахлоқдаги энг ноёб хусусиятларни, қадриятларни сингдириш орқали миллий онг, дунёқараш, руҳиятни шакллантириш, ўзликни англатиш, миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини мустаҳкамлаш, миллий манфаат, миллат истиқболи учун масъулликни онги ва қалбига сингдиришда маънавий бойитиш борасида олиб бориладиган амалий фаолият йўналишидир. Ҳар қандай тарбияда бўлганидек, миллий тарбияда ҳам аниқ мақсадлар кўзланади. Глобаллашув авж олаётган бугунги кунда миллий тарбиянинг стратегик йўналишини кенг маънодаги маънавиятимизни турли зарарли таъсирлардан ҳимоя қилиш, уни ёшларимиз онги, қалби, дунёқарашининг ажралмас қисмига айлантириш ташкил қилади.

Ёшлар онгида бўшлиқ пайдо бўлишига йўл қўймаслик маънавий-маърифий тарбиянинг асосини ташкил этади. Президентимизнинг "Юксак маънавият — енгилмас куч" асарида баён қилинган тавсиялар маънавий таҳдиднинг олдини олишда дастурламал ҳисобланади. Тарғибот-ташвиқот ишларининг негизида эса тил омили, нутқдан аниқ, таъсирчан фойдаланиш ётади. Ёшлар билан ўтказиладиган тадбирларда, таълим-тарбия жараёнларида юқори нутқ маданиятини тарғиб этиш лозим.

"Оммавий маданият"нинг салбий таъсиридан ёшларни, умуман, кенг жамоатчиликни асрашнинг йўлларидан бири холис, ҳаққоний ахборотни кўпроқ, мазмунли, таъсирчан шаклларда тарқатиш, ахборотни таҳлил қилиш, саралаш, ижобий жиҳатларидан фойдаланиш кўникмасини уларга сингдиришдан иборатдир.

Акбар АБДУСАИДОВ,
Самарқанд вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими мудири

ТАҲРИРИЯТДАН:

Замонавий ахборот коммуникация технологиялари тараққиёти инсоният учун мисли кўрилмаган имконият ва қулайликлар яратди. Яқин тарихда ақлга сиғмайдиган мўъжизалар эндиликда одатий жараёнга айланди. Бу яхши.

Аммо... танганинг иккинчи томони бор, дейишади. Глобаллашув натижасида ёт ғояларни тарғиб этиш, одамларни онгу шуурига таъсир кўрсатиш, ғаразли мақсадларга эргаштиришга интилиш каби салбий ҳолатлар ҳар биримизни, ҳар қадамда огоҳ бўлишга чорлайди. Мавзу юзасидан фикр-мулоҳазаларингизни кутиб қоламиз.

«Чорток санаторийси» МЧЖ жамоаси

Мамлакатимиз аёлларини **8 март** — Халқаро хотин-қизлар куни билан табриклайди.

Ушбу қутлуғ кунларда уларга сиҳат-саломатлик, ишларида муваффақиятлар тилайди.

«Турон санаторийси» ОАЖ жамоаси

Мунис аёлларимизга баҳорий кайфият, бахт-саодат, Ватан фаровонлиги йўлидаги ишларида муваффақиятлар тилайди.

Баҳор байрамингиз муборак бўлсин!

▽ Эл хизматида

Юртимизда байрам шукуҳи кезиб юрган айни кунларда, барча гўшалар, чунончи, пойтахтимизда биринчилардан бўлиб ташкил топган «Toshkent gullari» дўконига кирсангиз, ўзингизни ажойиб чаманзорда юргандай ҳис этасиз. Зеро, бу ерда йилнинг тўрт фаслида ҳам баҳор нафаси уфуриб туради.

ТЎРТ ФАСЛДА ҲАМ БАҲОР

Бугунги кунда хусусий корхона сифатида фаолиятини давом эттираётган ушбу мўъжаз салон 27 йилдирки, аҳолига хушбўй, гўзал ва бетакрор гуллар етказиб бериш орқали хизмат кўрсатиб келади. Бу ерда қўли қўлига тегмай ишлаётган 20 дан зиёд ёшлар муқим иш ўрни билан таъминлангани янада аҳамиятлидир.

— Аксар одамлар учун табиат билан узвийлик, наботот олами билан мутаносиб ҳаёт кечириш эҳтиёжга айланган, — дейди маскан директори Муборак Мухримова. — Шунинг учун доим изланамиз. Ҳар йили хорижий давлатларга бориб, малака ошириб келамиз. Соҳага доир янгиликлар эътиборимизда. Ҳамкорларимиз сонининг йил сайин ортиши, гулларимизнинг навбатда туриб бўлса-да, харид қилиниши шижоатимизни оширади. Баралла айтамизки, ташриф буюрувчиларни гулларнинг сеҳрли оламига етаклаб кира оламиз.

Аширбек СУЯРОВ.
"Ishonch" фотомухбири
Икром ҲАСАНОВ олган суратлар

▽ Касаба уюшма спорти

ҚУВОНЧ УЛАШИБ

Санатор-курортлар бошқармаси ва унинг қошидаги хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси иш режасига мувофиқ, тасарруфдаги санаторий ва дам олиш масканларида меҳнат қилаётган хотин-қизларни оммавий спортга жалб қилиш, уларни жисмонан чиниқтириш, саломатликларини мустаҳкамлаш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзи барқарорлигини таъминлаш мақсадида шахмат, шашка ва стол тенниси бўйича спорт мусобақалари ташкил этилмоқда.

Шундай тадбирлардан бири Самарқанд вилоятидаги Абу Али ибн Сино санаторийсида бўлиб ўтди. Унда 28 нафар хотин-қиз иштирок этди.

Шахмат бўйича ҳамшира Гулшан Дусанова, шашка бўйича Замира Суннатова, стол тенниси бўйича хўжалик бекаси Феруза Нурбоева ғолибликни қўлга киритди.

— Бундай мусобақалар саломатликка хизмат қилиши, шубҳасиз. Айниқса, эрта баҳорда тана бироз ҳориган паллада жисмоний машқлар жуда муҳим, — дейди Санатор-курортлар бошқармаси Ўқув маркази маданий-маърифий ишлар ташкилотчиси Маҳмуда Мурзаева.

Ғолибларга эсдалик совғалари топширилди.

Ўз мухбиримиз

Реклама ва эълонлар

ТУЗАТИШ
Қашқадарё вилояти худудий консалтинг маркази қуйидагини маълум қилади.

«Ishonch» газетасининг 2015 йил 7 мартдаги № 31-32 (3537)-сонида чоп этилган хабарноманинг 7. Лот №21-1ва 8. Лот №22-1 хатбошиси **қуйидагича тузатиб ўқилсин:**

7. Лот №21-1. «Қарши шаҳридаги 320 ўқув ўринли 17-сонли кар ва соқов болалар учун махсус интернат-мактабни реконструкция қилиш (150 ўқув ўринли ётоқхона биноси қурилиши)» (қайта танлов савдолари). Объектнинг бошланғич нархи қўшилган қиймат солиғи билан бирга 1.769.552.650 сўм, қўшилган қиймат солиғисиз 1.474.627.208 сўм, қурилишни тугаллаш муддати 8 ой.

8. Лот №22-1. «Қарши шаҳридаги 18-сонли кўзи ожизлар махсус мактаб-интернатни реконструкция қилиш (ҳаммом, кирхона ва ёрдамчи бинолар 3-этап қурилиши)» (Қайта танлов савдолари). Объектнинг бошланғич нархи қўшилган қиймат солиғи билан бирга 1.241.315.660 сўм, қўшилган қиймат солиғисиз 1.034.429.717 сўм, қурилишни тугаллаш муддати 8 ой.

Хизматлар лицензияланган.

Тошкент шаҳар Хўжалик судининг 2015 йил ҳал қилув қарорларига асосан тугатилаётган корхоналар рўйхати.

№	Корхоналар номи	СТИР	Рўйхатга олинган қарор санаси ва рақами		ХТУТ (ОКРО)	Хўжалик судининг қарори рақами ва санаси	
1	LOGISTIC EXSPEDITION MCHJ	207062554	10.02.2010	004390-03	23177474	10-1510/2740	05.03.2015
2	OSTROV JELANIY NTM	302810873	28.01.2014	006830-03	25028703	10-1510/2743	05.03.2015
3	LILIYA SAVDO MCHJ	205780723	12.08.2005	001069-03	20348544	10-1510/2741	05.03.2015
4	DILBEK BROK SERVIS MCHJ	300574568	24.09.2007	002773-03	22103479	10-1510/2746	05.03.2015
5	NEO TRAVEL TASHKENT MCHJ	207112284	02.03.2011	005095-03	23645296	10-1510/2745	05.03.2015
6	XITOY BIZNES MCHJ	302471330	23.01.2013	006199-03	24198461	10-1510/2743	05.03.2015
7	MUHLISA MED FARM MCHJ	302689399	21.08.2013	006572-03	24482908	10-1510/2739	05.03.2015
8	AYLIN-SERVIS MCHJ	301413347	22.12.2009	004281-03	23089267	10-1510/2746	05.03.2015
9	SPEED OIL MCHJ	302936178	02.05.2014	007006-03	25156246	10-1510/2744	05.03.2015

Мазкур корхоналарнинг таъсис ҳужжатлари, давлат рўйхатидан ўтганлик ҳақидаги гувоҳномалари, думалоқ муҳр ва бурчак штамплари, шунингдек, белгиланган тартибда давлат архивига топширилиши лозим бўлган бошқа ҳужжатлари бекор қилинади.

Кредиторлар икки ой мобайнида Тошкент шаҳри, Нукус кўчаси, 18-уй, Миробод туман ҳокимлиги корхоналарни тугатиш доимий ишловчи махсус комиссиясига мурожаат қилишлари мумкин.

Хизматлар лицензияланган.

Реклама ва эълонлар

"KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ Сурхондарё вилоят филиалида бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

I. Аукцион савдосига Термиз туман СИБ томонидан, ФИБ Термиз туманлараро судининг 22.11.2013 йилдаги 1-3567-2013-сонли ижро варақасига асосан, Термиз туман, Учқизил ҚФЙ, «Паррандачилик» маҳалласи манзилида жойлашган, умумий майдони 600 кв.м бўлган, 1 қаватли, уй-жой қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси — 76 638 900 сўм.**

Аукцион савдоси 2015 йил 13 апрел куни соат 11:00да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2015 йил 10 апрел куни соат 18:00.

Кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, ХОАБ "Трастбанк" Термиз шаҳар филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт. Х/р: 20208000004920609027; МФО: 01063; СТИР: 207122519.

Савдо ўтказиладиган манзил: Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳар Ф.Хўжаев кўчаси 32-уй, "Тадбиркорлар маркази" биноси, 2-қават, 6-хона. Тел: (0376) 221-77-94. www.1kms.uz. rieltsavdo@inbox.uz. Лицензия: RR-0001.

Газетанинг навбатдаги сони 14 март, шанба куни чиқади.

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Muassis: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir v.b. Jahongir Sharofboyev

Tahrir hay'ati: Abdulaziz Abdullayev, To'lqin Teshaboyev, Eson Rajabov, Ulug'bek Jalmenov, Farhod Xanapiyayev, Ravshan Bedilov, Asror Ishanxodjayev, Muhabbat O'rmonbekova, Oksana Belousova, Timur Mamadjanov (bosh muharrir o'rinbosari), Akmal Toshev (mas'ul kotib v.b.)

2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.
ISSN 2010-5002

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va e'lonlar — 256-87-73.

Hududlardagi muxbirlar:
Andijon + 998 91 475-23-60; Buxoro + 99893 653 50 81; Sirdaryo + 998 90 999 58 30; Jizzax + 998 94 418-67-49; Navoiy + 998 94 228-13-00; Namangan + 998 90 260-50-77; Samarqand + 998 93 352-50-87; Qashqadaryo +998 91 467-30-01; Surxondaryo + 998 95 502-68-99; Farg'ona + 998 91 141-27-70; Qoraqalpog'iston Respublikasi + 998 91 268-92-32; Xorazm + 998 90 719-48-00.

Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy

Nashr ko'rsatkichi: 133

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

Navbatchi muharrir: B.Rizayev
Navbatchi: N.Mahamov
Musahhih: S.Shodiyeva

Bosishga topshirish vaqti — 21:25
Topshirildi — 22:10

E-mail:xatlar@ishonch-doverie.uz

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teridi va sahifalandi. Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin. Buyurtma Г — 315 20844 nusxada bosildi 1 2 3 4 5 6